


ISSN 2010-5517

Jahon ADABIYOTI

Adabiy-badiiy, ijtimoiy-publitsistik jurnal



Yanvar – 2021

НАВОИЙ САБОҚЛАРИ

Алишер НАВОИЙ. “Истаманким, ишк мендин ўзгани килгай эсир...” (О.Давлатов шарҳи, Қ.Маъмуров тарж.).	3
-----------------------------------------------------------------------------------------------------	---

НАСР

С.МОЭМ. Театр. Роман. (Рус тилидан М.Омон тарж.).	7
Х.КОРТАСАР. Жон Хауэлл учун йўриқнома. (Рус тилидан О.Отахон тарж.).	74
В.ШУКШИН. Хўроз уч бор кичкиргунча. Қисса. (Рус тилидан Ш.Маткарим тарж.).	113
А.ТАМАШИ. Ёввойи гул. Ҳикоя. (Рус тилидан Р.Мусурмон тарж.).	159

ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ

Н.ИЛЬИН. (Рус тилидан Ф.Афрўз, Д.Ражаб тарж.).	67
------------------------------------------------	----

ЁШ ТАРЖИМОНЛАР МИНБАРИ

Р.ТҲОКУР. Гитанжали. (Инглиз тилидан Ш.Шавкат тарж.).	84
-------------------------------------------------------	----

ИЖОД ОЛАМИ

Ж.ЛОНДОН. Ўзим ҳақимда. (Рус тилидан Ҳумоюн тарж.).	177
-----------------------------------------------------	-----

АДАБИЁТШУНОСЛИК. ФАЛСАФА

Н.РАҲМОНОВ. Бартольд – Навоийшунос.	186
Р.ШИРИНОВА, Н.ХУДОЙБЕРДИЕВА. Алишер Навоий ижоди шарк олимлари нигоҳида.	191

БИР АСАР ТАРИХИ

М.СУЛАЙМОНОВ, Э.АТАМИРЗАЕВА. Кимсасиз орол сабоқлари.	197
-------------------------------------------------------	-----

ТАФАККУР ЖИЛОЛАРИ

Р.МУҲАММАД. Бир юлдуз учса...	201
Муковамизда	204
Журналнинг русча ва инглизча мухтасар мазмуни	206

КИМСАСИЗ ОРОЛ САБОҚЛАРИ

2019 йил Даниель Дефо номини дунёга машхур қилган асари “Робинзон Крузо” романининг яратилганига роппа-роса 300 йил бўлди.

XVIII аср бошларидаги Лондон битмас-туганмас бойлик, ўта кашшоқлик, ҳар куни оламшумул зафарлар ва фожиалар бўлиб ўтадиган, юқумли касалликлар аҳолини аёвсиз кираётган шаҳар эди. Денгиз кароқчилари асри бўлган бу даврда дунё океанларида ўлжа илинжида кезиб юрган кароқчилар кемалари ҳар қачонгидан ҳам кўп бўлиб, Испания ва Франция билан уруш олиб бораётган Англия ҳукуматининг ўзи бу кемаларга хайрихоҳлик қиларди.

Робинзон Крузонинг прототипи бўлган Александр Селькирк 1676 йилда Шотландиянинг Шимолий денгиз бўйидаги Ларго шаҳарчасида, этикдўз оиласида туғилган. Отаси унинг ўз касбини давом эттиришини истар, лекин Александрга уйлари яқинидаги “Қизил шер” ковоқхонасига ташриф буюрадиган денгизчилар кўпроқ ёқарди. Уларнинг аксарияти лофдан иборат турли мамлакатлар ва ёввойи одамлар хақидаги хикоялари болада шу даражада кучли таассурот қолдирардики, 15 ёшидаёқ Александр, албатта, денгизчи бўлишни мақсад қилганди. 18 ёшида у уйдан чиқиб кетади ва бахтини излаб дуч келган кема билан денгизга равона бўлади. Айнан шундан кейин унинг ҳаётида омадсизликлар ва кўнгилсизликлар бошланади, лекин ҳар сафар ўта мушкул вазиятга тушса-да, нимадир бўлиб омон қолаверарди. У сузаётган кема француз кароқчиларининг ҳужумига дуч келадилар, ёш денгизчини асирга олишади ва Африкага сотиб юборишади. Асирликдан қочишга муваффақ бўлган Александр Лондонга қайтади. Биринчи саёхатидаги бахтсизлик ва омадсизлик уни ниятидан қайтара олмайди. Яна саккиз йил турли кемаларда дунёнинг турли ҳудудларига саёхат қилади. Бир кун кўпгина бойлик: қулоғида сирға, кўлида тилло узук, чўнтаги тўла пул билан уйига қайтиб келади. Аммо энди уни тинч ва хотиржам ҳаёт умуман қизиқтирмай қўйган, саргузаштларга тўла денгиз Александрни ўз бағрига чорлайверарди.

1703 йилда машхур кароқчи Вильям Дампьер капитанлик қилаётган учта кема испан олтинларини қўлга киритишни кўзлаб йўлга чиқадди. Александр матрос сифатида ёлланган бу кемалардан бири – “Сентпор”нинг капитани йўлда вафот этади ва унинг ўрнига ёш матрос Томас Стреллинг капитан этиб тайинланади. Ўзи тенги йигитнинг кемани бошқариши шу кемада штурман бўлиб хизмат қилаётган Александрга ёкмас эди. Имкон туғилди дегунча, капитаннинг эгаллаган лавозимига нолойиклигини пинсанда қилиб, ғижиллашаверарди. Кемалар Тинч океанига чиққанларидан кейин “Сентпор” карвондан ажралиб, Жанубий Америка сари йўл олади.

Аста-секин кемада денгизчиларнинг аҳволи оғирлаша бошлайди. Денгизда деярли бир йил сузсалар-да, тузукроқ ўлжани қўлга кирита олмайдилар. Денгизчилар офати бўлган цинга касаллиги¹ кема аъзоларини тинка-мадорини курилади. Озиқ-овқат, ичимлик суви тугаб қолаётган эди. Охирги умид Чили яқинидаги “Хуан Фернандес” оролига етиб олиш эди.

1704 йилда “Сентпор” абгор ҳолатда “Хуан Фернандес” ороллари таркибига кирувчи Мас-а-Тьерра оролига етиб келади. Бу пайтга келиб, 90 кишилиқ кема аъзоларидан фақат 42 нафари омон қолган эди. Александр яна капитан билан ғижиллашади ва ўзини оролда қолдиришларини талаб қилади. У сафдошлари орасидан ўзига тарафдорлар чиқишига умид қилган эди, лекин қаттиқ адашганди. Капитан унга милтиқ, озгина порох, асбоблар, икки кунлик овқат ва “Инжил” китобини бериб оролга туширади ҳамда кемани ортга буради. Кимсасиз оролда ёлғиз қолишнинг даҳшатини шу ондаёқ ҳис қилган Селькирк узр сўраб, ўзини кемага олишларини айтиб шунча ёлворади, аммо капитан Стредлинг фикрида қайтмайди ва уни ташлаб кетади. Қирғоқда фарёд ураётган қайсар Александр ўз номини тарихга киргизадиган кимсасиз оролда буткул ёлғиз қолганди.

Уни бу кимсасиз оролга ташлаб кетган кема тез орада ҳалокатга учрагани, кема экипажи бутунлай денгизга фарқ бўлганидан хабар топганида борми, Селькирк оролда қолгани учун Худога минг марта шукроналар айтган бўлармиди? Лекин бундан беҳабар Александр йиғлай-йиғлай ёлғизлик ва иложсизлигини ҳис қилади. У тирик қолиш учун барча чораларни ишга солади. Егуликларининг тугаши, номаълум хавф-хатарлар уни ҳаракат қилишга ундайди. Оролни кезиб чиққан Александр унинг ўсимликларга жуда бой эканлигини ва, энг муҳими, чучук сув борлигини аниқлайди. Қирғоқдаги иссиқ қумларда денгиз тошбақалари тухум кўяр. Александр уларни йиғиб олиб пишириб ерди. Айниқса, денгиз устрицалари² жуда тотли эди. Оролда ёввойи эчкилар гала-гала бўлиб ўтлаб юришарди. Дастлабки ойларда қаттиқ тушкунликка тушган Александрнинг кўли ҳеч ишга бормади. У дуч келган жойда ётиб юрар, топганини ерди. Кейинчалик Александр ҳикоя қилишича, ёлғизликка кўниккунча бир йилдан ортиқ муддат ўтиб кетади.

Александрга ҳамроҳлари томонидан қолдирилган ўк-дори ва ярим кило порох кўпга етмаган. У ўкларни эчкиларни овлашга, порохни олов ёқишга сарфлади. Порох тугаганидан сўнг Александр чакмоқ тош ёрдамида олов ёқишни ўрганади, эчкиларни эса қопқонда тута бошлайди. Селькирк қулай жойдан ўзига кулба қуриб олади. Озиқ-овқат ва бошпанаси муаммоси ҳал бўлгач, у оролдаги энг баланд чўққига чиқиб, соатлаб денгизга тикилиб ўтирарди. Александр, албатта, оролга тез кунда қандайдир кема келишига умид қиларди. Ойлар ўтиб, орзуси саробга айланаётганини сезган сайин денгизни ва тақдирни лаънатларди. Аста-секин кийимлари титилиб-йиртилиб, адо бўлди. Шунда унга этикдўз фарзанди эканлиги жуда қўл келади ва эчки терисидан мих ёрдамида ўзига ажойиб либослар тикиб олади. Найза отишни ўрганади, ясаган камонидан парранда

¹ Цинга – денгизда узоқ вақт сузиш натижасида С витамини етишмаслиги туфайли келиб чиқадиган касаллик.

² Устрица – денгиз қирғоғига яқин жойда яшовчи балиқ тури.

овлашда фойдаланади. Оролдаги ўсимликлар ичидан кўра каламшар ва харам топиб олади, уларни истеъмол қила болади. Ёлғизликка сўғини, қолаверса, гапиришни унутиб кўйишнинг олдини олган мақсадда у “Инжил” китобини қайта-қайта овоз чиқариб ўқир, хайвонлар ва ҳатто буюмлар билан ўзича гаплашарди. Кечалари денгиз тумондан келадиган ваҳимали овозлардан кўриб, анча вақт ухловмай юради. Кейинчалик бунга ҳам кўникиб кетади, қолаверса, бу товушларни чиқараётган денгиз арслонларининг анчайин беозор жониворлар эканлигини аниқлаб олади.

Ойлар, йиллар ўтар, денгиздан кема шаклида келадиган нажотни кутиш саробга айлана борган сайин Александр ҳам кимсасиз оролга мослашиб борарди. Денгизчи энди соқоли кўксига тушган, эчки терисидан бўлган кийимлари бақувват маймунни эслатадиган хақиқий ёввойи одамга айланади.

Кунларнинг бирида эчкини таъкиб этаётган Александр устига шохшабба ёпилган чоҳга қулаб тушади. Миясининг чайқалиши, жароҳатлар сабаб чоҳда уч кун оч-наҳор ётади. Бир амаллаб халос бўлганидан сўнг Селькирк бир неча кун овга чиқолмайди ва қийин вазиятлар учун захира тайёрлаб кўйиши кераклигини англаб етади. Шундан сўнг кулбасидан нарироқда яна бир бошпана куради ва у ерга егулик ғамлай бошлайди. Лекин оролга кемалардан тушиб қолган, кейинчалик жуда кўпайиб кетган каламушлар унинг захирасини ташиб безор қилишади ва Александр қийинчилик билан ёввойи мушукларни қўлга ўргатди ҳамда каламушларга қирон келтиради.

Шундай қилиб, бирин-кетин йиллар ўтаверади. Александр чизиклар ёрдамида белгилаб кетаётган тақвим ҳам кенгайиб бораверди. 1707 йилда чўкки устида океанга тикилиб ўтирганда ногаҳон уфқда елканлар кўринди. Юраги хапприкиб кетган Александр бор овозда бақирганича, кўзида ёш билан қирғокқа қараб чопди. Лекин тўрт йил кутиб ушалаётган орзуси армонга айланади. Бу кўринган кемада испан байроғи ҳилпирар эди! Испанлар қўлига тушиш кимсасиз оролда бутун умрга қолишдан даҳшатлироқ эканлигини ҳали унутмаган Александр орол ичкарасига қараб қочади. Ғалати одамни кўришган, лекин оролни титиб, уни тополмаган испанлар сув билан бирга унинг барча егулик захираларини олишади, камига унинг кулбаларини бузиб ташлаб, уммонга сузиб кетишади. Қайғуга ботган Александр бошпанасини қайтадан тиклайди ва яна тақдирга тан бериб яшай бошлайди.

Океанда жон асари кўрингунча яна икки йил ўтиб кетади. 1709 йилнинг 31 январиди тўлкинлар ортида икки кема кўринади. Улардаги Англия байроғини кўрган Силькерк териси ичига сиғмай, олдиндан тайёрлаб қўйган ўтинларидан катта гулхан ёқади ва қирғокқа чиқиб, бор овозда бақира бошлайди. Лангар ташлаб, қирғокқа қайикда сузиб келган денгизчилар инглизчани ярим-ёрти гапирадиган бу ёввойини кўриб хайрон бўлишади, Александр эса уларни кучиб олганича дод солиб йиғларди. Келганлар “Дюк” ва “Качес” номли елканли кемаларининг денгизчилари эдилар.

“Дюк” кемасининг капитани Вудс Роджерс Александрнинг таниши қароқчи Уильям Дампьерни яхши биладиган бўлиб чиқади. Кемага

чикиб олган бўлса-да, Селькиркка Лондонни кўриш яна икки йил насиб килмайди. Юртига етиб боргунича у ўттиз уч ой давомида етти денгизни сузиб ўтиб, деярли бутун дунёни айланиб чиқади. 1711 йилнинг 14 октябрида Александр Селькирк ўлжага олинган “Инкриз” кемасининг капитани сифатида Англияга қайтиб келади.

1713 йилда бу ўта қизиқарли саргузашт асосида истеъдодли ёзувчи Ричард Стилль бадийий очерк ёзади ва “Англиялик” журналида чоп эттиради.

Унинг кимсасиз оролда кўрган-кечирганлари омма орасида катта шов-шув уйғотади ва Александр жуда машхур бўлиб кетади.

Айнан шу воқеа Даниель Дефога “Робинзон Крузо” романини ёзиш учун туртки бўлган. Бундан ташқари у денгизчилар ва сайёҳлар ҳаётига оид кўплаб маълумотлар билан ҳам танишиб чиккан ва мутлако оригинал асар яратган. Агар Александр Селькирк кимсасиз оролда бор-йўғи 4 йил 4 ой яшаб, ёввойилашиб кетай деган бўлса, Дефо романининг қахрамони Робинзон Крузо оролда 28 йил умр кечиради ва одамга хос хислатларини тўла сақлаб қолади.

Романнинг ижобий хусусиятлари ҳақида жуда кўп ёзилган ва яна кўп ёзиш мумкин. Робинзон Крузонинг кимсасиз оролда шунча кўп муддат яшашига асосий сабаб сифатида унинг маърифатчилик даври адабиёти қахрамони эканлигида, деб хулоса чикариш ўринлидир. Дарҳақиқат у жуда кўп касб-хунардан хабардор, ўқимишли ва тадбиркор инсон бўлганлиги учун кимсасиз оролда ёлғиз яшашнинг имконини топа олган.

Шу ўринда бу романнинг ўзбек тилига таржима қилиниши тарих ҳақида ҳам эслатиб ўтишни лозим топдик. Роман биринчи марта 1911 йил Муҳаммад Фозилбек Отабек ўғли томонидан қискартирилган тарзда таржима қилинган ва чоп этирилган. Мазкур таржима ҳақида профессор Баҳодир Карим махсус мақола ёзди ва асарни нашр эттирди¹.

Мўминжон СУЛАЙМОНОВ,
НамДУ доценти,
Эъзога АТАМИРЗАЕВА,
НамДУ чет тиллар ўқитиш
кафедраси мудири

¹ Дефо Даниел. Робинзон ҳикояси. Таржимон Фозилбек Отабек ўғли. Матни ҳозирги ўзбек тилига мослаб нашрга тайёрловчи: Баҳодир Каримов, филология фанлари доктори. – Тошкент: “Мухаррир” нашриёти, 2013. – Б 40.